

ЯХШИ ҚЎШНИ, ҲАМФИКР ДЎСТ, АЖОЙИБ ТИЛШУНОС ОЛИМ ЭДИ

Ўзбекистон Миллий университетининг филология факультети ўзбек тили кафедрасининг ҳурматли устозларидан бири, филология фанлари доктори, профессор, «Шухрат» медали соҳиби Ёрмат Тожиевни бизнинг «Беруний» маҳалласи аҳли ва маҳалланинг 5-Нозимахоним тор кўчасида истикомат қиладиган 7 ёшдан 70 ёшгача бўлган ёшу қари бизнинг «Ёрмат домла» деб ҳурмат қиларди. Бунга сабаб, Ёрмат домла маҳалла ва биз яшаётган кўча аҳли орасида ўзларининг олийжаноб инсоний фазилатлари билан ажралиб турарди. Домла билан бир неча 10 йиллар мобайнида ёнма-ён яшаб, у кишининг кўнгли тоза, бағри кенг, кўли очик, кўни-кўшнилари билан аҳилликларига гувоҳ бўлганман.

Мен Ёрмуҳаммад билан 1969 йилда «Абу Райҳон Беруний» маҳалласида уй-жой кураётган вақтимизда танишганман. Яхши одам экан, тезда дўстлашиб кетдик. Уйимиз Миллий университетга яқин бўлганлиги учун, ишга деярли ҳар кўни бирга пиёда кетардик. Сўхбатимиз асосан илм-фан, таълим тўғрисида бўларди. Кўп нарсалар ҳақида ҳамфикр эдик.

Меҳнат таътилида, айниқса, мен нафақага чиққанимдан кейин кечқурунлари, дам олиш кўнлари бирортамининг ҳовлимизда ёки эшик олдидаги дарахт тагида тенгқурларимиз билан узоқ сўхбатлашиб ўтирардик. Сўхбатимиз мавзуси турли хил-кўпинча илм, фан, таълим-тарбия, айрим ёзувчи, шоирларнинг асарлари ҳақида бўлар эди. Иккимиз ҳам шохмўт ўйнашга уста эдик, бизларни «Кўчамизнинг чемпионлари» дейишарди.

Ёрмуҳаммад фақат тилшўнослик эмас, табиий, аниқ фанларга ҳам жуда қизиқар эди. Айниқса, астрономия, география, сейсмология, қишлоқ хўжалиги, иқлимшўнослик фанларига, бу соҳалардаги айрим ҳодисалар сабабларига қизиқар, мен билан бу соҳалар юзасида қизгин сўхбатлаша оларди.

Домланинг тунғич қизи Одина кизларим Зулфия, Гулно-
ра, Нодира билан дугона бўлган бўлса, катта ўғиллари Улуғ-
бек ўғлим Фахриддин билан калин оғайни эди. Уртанча қизи
Нодира Ёрмуҳаммадга ўхшаб, турли соҳаларга кизиқарди.
Кичик кизим Хулкарнинг жонажон дугонаси. Иккинчи қа-
ватда жойлашган кутубхонамдан кизим Хулкар, ён қўшним
Темур аканинг қизи Дилором билан география фанига доир
китобларни олиб ўқишарди. Қишлоққа, қариндош-уругла-
ридан хабар олгани боришганда, шахсий машиналари «Мо-
сквич-412»да кизлари Нодира саёҳатни яхши кўргани учун
доим бирга олиб кетишарди. «Нега бошқа фарзандларингиз-
ни олиб бормайсиз» десам, улар негадир боришни хоҳлаш-
майди, Нодира кизим мен бораён, деб туради, дея жавоб қи-
ларди Ёрмуҳаммад.

Ёрмуҳаммад мамлакатимизда халқ таълимининг аҳволи,
уни яхшилаш тадбирлари тўғрисида кўп қайғурарди. Айник-
са, алифбони қайта-қайта ўзгартириб, халқни саводсиз қи-
лишнинг зарарлари ҳақида кўп гапирарди.

Ёрмуҳаммад маҳалла, кўчамиз ишларида, йиғилишларда
фаол қатнашар, ҳеч қачон ёрдамини аямасди. Унинг оиласи
ҳам ўртак оладиган оила эди. Аҳил, одобли, билимга чанқоқ
беш фарзандининг ҳаммаси ҳам олий маъмумотли, элига,
юртига хизмат қиладиган, эътиқодли инсонлар бўлиб тарбия-
ланди.

Ётук олим, ажойиб инсон, маҳалламиз ва университет-
нинг фахри бўлган яқин қўшним Ёрмуҳаммаднинг охиратла-
ри обод бўлсин. Оллоҳ раҳмат қилсин.

Потихкамол ҒУЛОМОВ,
яқин қўшиниси, география фанлари номзоди,
доцент, Ўзбекистон Миллий университетининг
меҳнат фахрийси.